ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 4 июль, пайшанба № 84 (22.005).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ватанни севмак иймондандур!

СЎНГГИ СОАТДА

янгиликлар, воқеалар, хабарлар

МЕТРОПОЛИТЕНДА — УЧҚУДУҚ МАРМАРИ

НАВОИЙ. Вилоятнинг Учқудуқ туманида қора мармар кони топилиб, унинг ўзлаштирилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Кўкпатас кенгликларидан топилган бу қора мармар заҳираси катталиги жиҳатидан Нурота мармар конларидан асло қолишмайди. Ҳозирги кунга келиб Кўкпатасдаги кон маҳсулотлари Тошкент метрополитенини безашда ҳам ишлатилмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ.

ГАЗНИ БОС, ЙИГИТ!

ҚАШҚАДАРЁ. Китоб туманидаги 76-автомобиль хўжалигининг ҳайдовчиси Раҳмат Ғаффоров ўтган йили "Зил-138" автомашинасида 1200 тонна дон ташиган эди. Эл-юрт ризқини манзилга етказиш устаси бу йил ўз кўрсаткичини яна 200 тоннага кўпайтириш ниятида саъй-ҳаракат қилмоқда.

Юнус УЗОҚОВ.

ХАСТА ДИЛЛАР ҚУВОНЧИ

БУХОРО. Республика кўзи ожизлар жамиятига қарашли Бухоро ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси жамоасига яна бир ғамхўрлик кўрсатилди. 24 оилага мўлжалланган тўрт қаватли ғиштин бинони фойдаланишга топширилиши хаста дилларга қувонч бахш этди.

Даврон БАҲРОНОВ.

ТАНЛОВДА ФАҚАТ АЁЛЛАР

САМАРҚАНД. Сиёб тумани ҳокимлигининг ташаббуси билан Регистондаги шоирлар боғида маҳалла хотин-қизлари тайёрлаган маҳсулотлар бўйича танлов ўтказилди. "Қўшчинор", "Масжиди нақшин" ва Беруний номли маҳаллаларнинг чеварлари танлов совриндори бўлишди. Эсдалик совғаларини туман ҳокими Ҳ.Ҳошимов топширди.

Фармон ТОШЕВ.

ХОРИЖ САФАРИ ОЛДИДАН

ЖИЗЗАХ. А. Темур номли сайёҳлик мажмуида ёш полвонлар республика терма жамоаси бир ҳафта машқ ўтказди. Бош мураббий Қ. Асрорқулов фикрича, полвонлар Теҳронда бошланадиган жаҳон чемпионати олдидан машқларини тобига етказишган.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ.

ЛОЗАННАГА БОРАДИГАН БЎЛДИ

СУРХОНДАРЁ. Шўрчилик 9-синф ўқувчиси Фахриддин Акабоев исми жисмига монанд эътибор топмоқда. Спорт мавзуида рангин тасвирлар яратишга ихлос қўйган бу йигит "8-март" қишлоғию шўрчиликларнинг фахри бўлиб қолди. У республика танловида ғалаба қозонди. Энди Швейцариянинг Лозанна шаҳрида ўтказиладиган кўрик-танловда қатнашадиган бўлиб турибди.

Олимжон УСАНОВ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

НАҚД ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ЭМИССИЯСИНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Нақд пул маблағлари эмиссияси даражасини пасайтириш, республика минтақаларида пул муомаласини яхшилаш учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда 1996 йилнинг иккинчи ярим йиллигида нақд пул маблағлари эмиссияси даражасини пасайтириш прогнозларига ва касса режасига розилик берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари нақд пул маблағлари эмиссияси даражасини пасайтириш прогнозлари ва касса режалари бажарилиши устидан бевосита ва лавозимига қўра назоратни таъминласинлар.

2. «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси, «Ўзмаишийхизматуюшма», Ўзбекбирлашув, «Ўзавтотранс» корпорацияси, Алоқа вазирлиги, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси, Ўзбекистон Республикасининг аҳолига пулли хизматлар кўрсатувчи бошқа вазирликлари ва идоралари ҳокимликлар билан биргаликда жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, касса режалари бажарилишини таъминлаш учун мансабдор шахслар ва мутахассисларнинг моддий жавобгарлиги ва уларни рағбатлантириш шакллари кенг қўлланилиши юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга оширсинлар, коллегиал органлар мажлисларида ишларнинг аҳволини ҳар ойда кўриб чиқсинлар.

Вазирлар Маҳкамаси мажмуиларининг раҳбарлари мазкур банднинг бажарилиши учун амалий назоратни таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва банк муассасалари Марказий банк бошқаруви томонидан 1996 йил 20 апрелда 9-сон билан тасдиқланган мулкчилик шаклларидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан касса операцияларини юритиш тартибига риоя этилиши устидан назоратни кучайтирсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси (Б. Мустафоев) амалдаги тартиб бузилиши аниқланган тақдирда хўжалик юритувчи субъектларнинг айбдор раҳбарларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик кодексининг 175 ва 264-моддалари талаблари қўлланилишини таъминласин.

4. Республика минтақаларида нақд пул маблағлари эмиссияси даражасини пасайтириш прогнозлари ва касса режалари бажарилиши учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш ва уларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бош вазирнинг ўринбосарлари, Марказий банк, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, тижорат банклари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари кўрсатиб ўтилган Низомга мувофиқ нақд пул маблағлари эмиссияси даражасини пасайтириш прогнозлари ва касса режалари бажарилишини таъминламаётган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортсинлар. Бунинг устидан мунтазам назорат ўрнатсинлар.

5. Пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссияси ҳар бир ой якунлари бўйича мазкур қарор бандлари бажарилишини кўриб чиқсин ва тегишли таклифлар киритсин. Шахсан назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари, молия вазири Б. Ҳамидов, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов зиммасига юклансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири У. Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 2 июль.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1996 ЙИЛ 2 ИЮЛДАГИ ҚАРОРИГА ИЛОВА

Республика минтақаларида нақд пул маблағлари эмиссияси даражасини пасайтириш прогнозлари ва касса режалари бажарилиши учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш ва уларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1. Республика минтақаларида нақд пул маблағлари эмиссияси даражаси прогнозлари ва касса режалари бажарилиши учун рағбатлантириш ва моддий жавобгарлик тизими қуйидаги раҳбарлар ва мансабдор шахслар учун белгиланади:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимлари, шунингдек, уларнинг минтақаларни иқтисодий ривожлантириш ва истеъмол бозорининг аҳволи учун жавоб берувчи ўринбосарлари (ҳокимларнинг иқтисодиёт бўйича, халқ истеъмол моллари, савдо ва пулли хизматлар бўйича ўринбосарлари);

тижорат банкларининг республика (Қорақалпоғистон Республикаси), вилоят, шаҳар, туман бўлинмалари ва филиалларининг раҳбарлари ва пул муомаласи ҳамда касса операциялари бўлимларининг бошлиқлари, пул муомаласи бўйича мутахассислари;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳудудий бош бошқармалари раҳбарлари ва пул муомаласи бўлимларининг бошлиқлари;

Республика (Қорақалпоғистон Республикаси), вилоят, шаҳар, туман солиқ органларининг раҳбарлари ҳамда савдо корхоналари ва хизмат кўрсатиш соҳасини назорат қилиш бўлимлари бошлиқлари ва мутахассислари учун — касса режаларининг бажарилиши қисми бўйича.

2. Нақд пул маблағлари эмиссияси даражаси прогнозлари ва касса режалари ўз вақтида бажарилганлиги ва ошириб бажарилганлиги учун мазкур Низомнинг 1-бандида назарда тутилган мансабдор шахслар;

ойлик прогнозлар бажарилганлиги ва ошириб бажарилганлиги учун — лавозим маошининг 30 фоизигача миқдорда;

йил чораги прогнозлари бажарилганлиги ва ошириб бажарилганлиги учун — лавозим маошининг 50 фоизигача миқдорда мукофотланадилар.

3. Нақд пул маблағлари эмиссияси даражасининг белгиланган прогнозлари ва касса режалари бажарилмаганлиги учун мазкур Низомнинг 1-бандида кўрсатиб ўтилган мансабдор шахсларга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддасига мувофиқ;

белгиланган ойлик ва йил чораги прогнозлари бажарилмаганлиги учун — ўртача ойлик иш ҳақининг 10 фоизидан 20 фоизигача миқдорда жарима солинади.

4. Мазкур Низомнинг бажарилишини пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссияси назорат қилади ва у ҳар ойда ўзининг мажлисларида ушбу қарор талабларига мувофиқ республика минтақаларидаги ишларнинг аҳволини кўриб чиқади ва Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар киритади.

5. Жарималар:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раисига ва унинг тегишли ўринбосарларига — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига ва уларнинг тегишли ўринбосарларига — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан;

шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимларига ва уларнинг тегишли ўринбосарларига — тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ёки юқори турувчи ҳокимнинг қарори билан;

банк муассасалари ҳамда солиқ органларининг раҳбарларига ва тегишли бўлимларнинг бошлиқлари ва мутахассисларига — уларнинг юқори турувчи органлари томонидан солинади.

Жарималар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 182-моддасида назарда тутилган тартибда солинади.

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ: АЛОҚАЛАР РИВОЖИДАГИ ЯНГИ ДАВР



СУРАТЛАРДА: яккама-якка суҳбат; ҳужжатларни имзолаш пайти.

Р. НУРИДДИНОВ ва А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэминнинг мамлакатимизга ташрифи иккинчи куни учрашувлар, мулоқотларга бой бўлди. Шу куни Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон ва Хитой расмий делегацияларининг музокаралари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатимиз билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатлар етук даврга кирганини алоҳида таъкидлар экан, эришилган натижалар ҳали икки мамлакат имкониятлари даражасида эмаслигига диққатни қаратди. Ўзбекистон раҳбари ўзаро ҳамкорликнинг бир қанча муҳим жиҳатларига тўхталди ва Марказий Осиё минтақасидаги хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлашда Хитой билан ҳамкорлик яхши натижалар беришини, жумладан Афғонистон ва Тожикистонда тинчликни таъминлашга хизмат қилишини таъкидлади.

— Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан туриб, Афғонистонга қурол-яроғ олиб келишни тақиқлаш тўғрисида таклиф киритган эди, — деди жумладан Ислом Каримов. — Айни пайтда бу ташаббус нафақат БМТ, балки бошқа кўплаб мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Умид қиламизки, Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлидаги ушбу ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

Яқинда Тошкентда наркотик моддаларнинг ғайриқонуний ҳаракати мавзусига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда кўплаб мамлакатлар ва халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этдилар. Семинарда XX аср вабоси — гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний ҳаракати олдини олиш хусусида гап борди.

Ислом Каримов ХХРда гиёҳвандликка қарши кураш олиб борилаётганини қайд этди ва бу соҳада ҳам ҳамкорлик ўзаро фойдали бўлишини айтди. Ўзбекистон ХХРнинг ядро қуроллари синовини ялпи тақиқлаш тўғрисидаги ташаббусини маъқуллади. Бу Хитой раҳбариятининг сиёсий донишмандлик белгисидир, деди жумладан Ислом Каримов.

— Сизнинг мамлакатимизга бу галги ташрифингиз ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун янги истиқболлар очишига ишонаман, — деди Ислом Каримов сўзини якунлар экан.

Маълумки, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раҳбарлигидаги мамлакатимиз делегацияси 1992 ва 1994 йилларда Хитой Халқ Республикасига ташриф буюрган эди. Мана шу ташриф чоғида икки мамлакат ўртасида ҳамкорликка асос яратадиган 20 дан ортиқ ҳужжат имзоланди. ХХР Раиси Цзян Цзэмин бу ҳужжатларнинг муҳим аҳамиятини қайд этар экан, Хитой билан Ўзбекистон умумий чегараларга эга эмаслигини, бироқ мамлакатларимиз ўртасида ўзаро дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари шаклланганини таъкидлади.

Хитой раҳбари ўзаро ҳамкорлик алоқалари ривожини қайд этар экан, икки мамлакат раҳбариятининг ўзаро стратегик ҳамкорликка алоҳида аҳамият бераётганини таъкидлади. Ўзбекистон ва Хитой ўзаро муносабатларда тенг ҳуқуқли ҳамкорликнинг беш тамойилига тўла амал қилаётганини, халқаро ва минтақавий масалаларда бу икки давлат ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш муҳим ўрин тутишини айтди.

ХХР Раиси Цзян Цзэмин Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаши ва юксак баҳолашини таъкидлади.

Цзян Цзэмин музокаралар чоғида ўз сўзини Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни мамлакатимиз раҳбарига қулай пайтда Хитой Халқ Республикасига ташриф буюриш таклифини билдириш билан якунлади. Бу таклиф Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан мамнуният билан қабул қилинди.

Икки мамлакат расмий делегациялари музокараларининг якунида Президент Ислом Каримов ва ХХР Раиси Цзян Цзэмин Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида даромадлардан икки ёқлама солиқ олмаслик, темир йўл транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида консуллик шартномалари ратификация ёрлиқларини алмашиши тўғрисидаги протокол ҳам икки мамлакат расмий делегациялари ўртасида ўтказилган музокараларнинг самараларидан бири бўлди.

***

ХХР Раиси Цзян Цзэмин шу куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида республикамиз Олий Мажлисига ташриф буюрди.

Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов юксак мартабали меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлаб, унга республикамиз пар-

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОЙИШИ

1. «Ўзкимёсаноат» уюшмасининг раиси Н. Юсупбековга тармоққа хорижий инвестицияларни жалб этиш ва қўшма корхоналар ташкил этиш борасида ташаббус кўрсатмаётганлиги кўрсатиб ўтилсин. Н. Юсупбеков ва унинг ўринбосарлари ҳамда корхоналарнинг раҳбарлари ўзларининг шахсий жавобгарликлари тўғрисида огоҳлантирилсинлар.

2. Кимё саноатида қўшма корхоналар ташкил этиш юзасидан хорижий инвесторларни жалб этиш ишларини фаоллаштириш учун иловага мувофиқ таркибда махсус ҳукумат комиссияси тузилсин.

3. Ҳукумат комиссияси:

бир ой муддатда инвестиция лойиҳалари рўйхатини ҳамда «Ўзкимёсаноат» уюшмасининг кимё саноатида қўшма корхоналар ташкил этишга доир таклифларини ўрганиб чиқсин ва уларнинг устуворликларини ва маблағ билан таъминлаш мумкин бўлган манбаларни белгиласин;

кимё саноатининг асосий ишлаб чиқаришларида қўшма корхоналар ташкил этиш юзасидан «Ўзкимёсаноат» уюшмаси корхоналарининг инвестиция лойиҳаларини хорижий инвесторлар билан ишлаб чиқсин;

комиссиянинг иш якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини тайёрласин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 2 июль.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1996 ЙИЛ 2 ИЮЛДАГИ ФАРМОЙИШИГА ИЛОВА

Кимё саноатида қўшма корхоналар ташкил этиш масалаларини мувофиқлаштирувчи махсус ҳукумат комиссияси таркиби

Султонов Ў. Т. — Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, комиссия раиси

Ҳамидов Б. С. — Бош вазир ўринбосари

Чжен В. А. — Бош вазир ўринбосари

Юсупбеков Н. Р. — «Ўзкимёсаноат» уюшмаси раиси

Ғаниев Э. М. — Ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи ўринбосари

Азимов Р. С. — Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқарувининг раиси

Корнеев А. Г. — «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси раисининг ўринбосари

Хўжаев Б. А. — Давлат мулки қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари

Кулаков Ю. Н. — Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг бошқарма бошлиғи

Мақсудов Ф. Н. — Хорижий инвестициялар бўйича агентлик бош директори

Абдураҳимов С. Х. — «Ўзбекинвест» компаниясининг бош директори

Абдуллаев З. А. — Вазирлар Маҳкамасининг ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаментининг бўлим бошлиғи

Тўхтаев Т. З. — Вазирлар Маҳкамасининг машинасозлик, кимё ва металлургия бўлими мудири, комиссия котиби.

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг қарори

Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури»ни рўёбга чиқаришда иштироки ҳақида

Мустақил Ўзбекистон раҳбарияти, хусусан, мамлакат Президенти И. А. Каримов, дейилади Сиёсий ижроқўм қарорида, юртимиз аҳолисининг учдан икки қисми истиқомат қиладиган қишлоқларнинг ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш масаласини доим ўз диққат марказида тутиб келмоқда. Юртбошимиз Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида сўзлаган нутқларида ушбу соҳадаги жиддий камчилик ва нуқсонларни кўрсатиб, давлат идоралари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқарув органлари, корхона, хўжаликлар маъмурияти ҳамда жамоат ташкилотларини уларни тезда бартараф этишга даъват этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майда қабул қилган «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дасту-

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ: АЛОҚАЛАР РИВОЖИДАГИ ЯНГИ ДАВР

(Давоми. Боши 1-бетда).

ламенти фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

—Олий Мажлисга ташриф буюриш имкониятига эга бўлганим ва мамлакатингиз Президенти менга ҳамроҳлик қилаётганидан ғоят хурсандман,—деди Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэмин.—Мамлакатларимиз сарҳадлари туташ бўлмаса-да, Хитой билан Ўзбекистон қўшни давлатлардир. Шу боис, Хитой халқи ва раҳбарияти мамлакатингизда қўлга киритилаётган ютуқларни катта қизиқиш билан кузатиб бормоқда. Хитой Ўзбекистон билан ҳар томонлама, жумладан, парламентлараро алоқаларни ҳам ривожлантириб бориш тарафдоридир.

***

Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэмин Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Тошкент авиация ишлаб чиқариш давлат акционерлик жамиятига ҳам ташриф буюрди.

Хитой давлати раҳбари корхона фаолияти билан танишар экан, бу ерда ишлаб чиқарилаётган янги турдаги, замонавий самолётларга юқори баҳо берди.

Шуни таъкидлаш керакки, ХХР сўнгги пайтларда самолётсозлик бўйича Ўзбекистоннинг энг йирик буюртмачиларидан бирига айланмоқда. Айни вақтда корхонада Хитой буюртмасига кўра, яна тўртта самолёт ишлаб чиқариш устида меҳнат қилинаётир. Корхона билан танишув чоғида Хитой Раиси Цзян Цзэминга Хитой буюртмаси асосида махсус тайёрланган ана шундай самолётлардан бири намойиш этилди.

—Ўзбекистон—Хитой икки томонлама алоқаларининг ривожланиши учун катта имконият мавжуд,—деди Цзян Цзэмин.—Хусусан, самолётсозлик соҳаси ҳамкорлигимиз келажагининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Шундай қилиб, Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэминнинг мамлакатимизга сафари ниҳоясига етди.

Шу куни Дўрмонда олий мартабали меҳмонни расмий кузатиш маросими бўлди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва ХХР давлати раҳбари Цзян Цзэмин шоҳсупага кўтарилдилар. Хитой ва Ўзбекистон Давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар. Шундан сўнг ХХР Раиси Цзян Цзэмин Тошкентдан жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Тошкент шаҳри хокими Козим Тўлаганов, бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Олий мартабали меҳмонни кузатиш маросимида Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Гуань Хэнгуан ҳозир бўлди.

(ЎзА).

УММОН ОРТИ ОДАМЛАРИНИНГ ҲАЙРАТИ

Мамлакатимиз Президентининг Америка Қўшма Штатларига қилган сафари ғоят муваффақиятли ўтгани ҳақида самимий фикр-мулоҳазалар айтиляпти. Худди шу кунлари Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ҳам Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг кўчма семинарида қатнашиш учун Вашингтонга борган эди...

— Зиёратлар қабул бўлсин, Абдулла ака!

—Муродингиз ҳосил бўлсин.

— Янглишмасам, Сиз аввал ҳам Америкада бўлгансиз. Лекин у маҳаллар «Ўзбекистондан-ман» десангиз елка қисишган. Энди-чи?

— Очиқ айтиш керак, Америкадек баланд мақомдаги давлат ва унинг фуқаролари ҳар қандай мамлакатни ҳам эътироф этавермаган. Ва ҳар кимгаям мулозамат кўрсатавермаган. Бунинг сабаби, албатта фақатгина кибру ҳаво билан изоҳланмайди. Бу буюк давлат бошқаларга муносабатини ўзининг юксак талабларидан келиб чиққан ҳолда белгилайди. Аввалги замонларда Американинг Ўзбекистонни таниши мантиқан олиб қарайдиган бўлсак мумкин ҳам эмас эди-да. Биз бошқаларга қарам бўлган ҳуқуқсиз республика эдик холос.

Бугунги кунда шукрлар бўлсинким, мамлакатимизни бутун жаҳон якдиллик билан эътироф этиб турибди. Сабаблари эса маълум: биринчидан, биз жаҳон ҳамжамиятининг қонуний аъзоси бўлган мустақил давлатмиз. Иккинчидан, айниқса Марказий Осиёда тинчлиги ва барқарорлиги собит бўлган мамлакатмиз. Учинчидан, моддий ҳамда маданий бойликлари, заҳиралари жиҳатидан юксак мақомга эгамиз. Бу жиҳатларнинг барчасини оқилона раҳбарлик таъминлаб турибди.

Демак, Америкадек буюк давлатнинг ҳам бизга кўрсатган ҳурмат ва эътибори мутлақо қонунийдир. Шунингдек, бу эътироф Американинг ўзига ҳам катта обрў келтиради.

Менинг Америкага ушбу сафарим Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг кўчма семинари билан боғлиқ эди. Омаднинг ўнглигини қарангки, бизнинг сафаримиз мамлакатимиз раҳбарининг ташриф кунларига тўғри келди. Хусусан, Америкада Ўзбекистон элчихонасининг янги биноси очилиши тантаналарида қатнашиш бахтига муяссар бўлдим. Ҳатто, қутлов шеър ҳам ёзиб, дилимдаги чексиз қувончимни қоғозга ҳам туширдим. У ердаги манзара бир умр ёдимдан чиқмаса керак. Вашингтон кўчаларида кортежлар Президентимизни ниҳоятда юксак ҳурмат билан кузатиб келдилар. Элчихонанинг янги биноси ҳам бирор бир давлатникидан қолишмайдиган даражада гўзал ва маҳобатлидир.

— Уммон орти одамлари озод Ўзбекистон ҳақида нималар дейишди?

— Ўша кунлари Америка оммавий ахборот воситаларини кузатиб бордик. Газеталардан бирида Ўзбекистон катта миқёсдаги тинчлик кафолати бўлаётгани эътироф этилди. Айтиб ўтиш жоизки, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти мажлиси иштирокчилари ҳам Президентимизнинг Америкага қилган сафари муваффақиятли ўтаётгани билан бизларни табриклаб туришди.

— Юзма-юз учрашувлар, диллашувлар қандай ўтди?

—Кўп одамлар билан кўришдик. Айниқса, у ерда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳам учрашдик. Ҳатто хаёли бундайроқларнинг ҳам инсофга келиб қолганликларига гувоҳ бўлдим. Уларнинг энди бирор эътироз билдиришга ожиз эканлигини фаҳмладим.

Оддий американликлар билан гаплашишга тўғри келди. Улар менинг юзимга қараб туриб «Қаердансиз, Покистонданми, Афғонистон ё Тожикистонданмисиз?» дея сўрашди. Мен фахр билан «Ўзбекистонданман» деб жавоб берганимда юзлари ёришиб, бош бармоқларини кўтариб «михдай» деган маънода ишора қилишарди. Демак, ватанимизнинг фазилату обрўси кўпчилик американликларнинг онгига ҳам бориб етибди.

Биз мустақиллигимизнинг атиги бешинчи йилида шу даражага кўтарилибмиз. Иншооллоҳ, олдимизда эса улуғ ва бепоён келажак турибди.

Норқобил ЖАЛИЛ суҳбатлашди.

Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури»ни рўёбга чиқаришда иштироки ҳақида

(Давоми. Боши 1-бетда).

ри тўғрисида»ги қарори мазкур даъватга аниқ жавобдир.

Ушбу ҳужжатда кўзда тутилган тадбирлар, моҳиятан, партиянинг дастурий ғояларига ҳамоҳанглиги, уларнинг халқимиз манфаатларига тўла жавоб беришини инобатга олиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси мамлакатимиз ҳукуматининг юқоридаги қарорида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқаришда иштирок этишни партиямиз, унинг ҳар бир ташкилоти, барча аъзоларининг муҳим вазифаси ва ватанпарварлик бурчи, деб ҳисоблади.

Сиёсий ижроқўм Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоят, туман кенгашлари ва бошланғич ташкилотларига, 2000 йилгача давр мобайнидаги, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш юзасидан ўзларининг узоқ муддатли вазифаларини аниқлаб олишни топширди.

Шу мақсадда:

—ушбу масала партиямизнинг барча даражадаги кенгашлари ижроия бюро йиғилишларида кўрилиб, унда узоқ муддатли режалар ёки тадбирлар тизимини тасдиқлаш;

— «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури»ни амалга оширишда ХДП аъзоларининг ўрни ва иштироки ҳақида» мавзуида очиқ партия мажлисларини ўтказиш;

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг, халқ депутатлари Кенгашларидаги ХДП депутатлар гуруҳлари билан биргаликда, қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш маҳаллий дастурларини амалга оширишда бевосита ва фаол иштирок қилиши;

—партия сайланма органлари аъзолари, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви тизимида раҳбар лавозимларда ишловчи ХДП аъзоларининг, дастурлар бажарилиши учун, масъулиятини ошириш ниятида, ижроия бюро йиғилишлари ва партия мажлисларида уларнинг ахборотларини эшитиш амалиётини йўлга қўйиш;

—ХДП маҳаллий кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари бутун қишлоқ аҳлига ушбу Дастурнинг мазмун ва моҳиятини ҳамда уларнинг бу борадаги вазифаларини чуқур тушунтириш ишларини таъминлашлари;

— Партия кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотлари қошида ташкил этилган «Маърифат» марказлари ва ахборот хоналарида ушбу Дастурга аталган махсус бурчаклар ташкил этилиб, улар орқали, унинг амалга оширилиши жараёни тўғрисида, мунтазам равишда, маълумотлар бериб борилиши айни муддао, деб топилди.

«Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журнали таҳририятлари зиммасига, ўз саҳифаларида, Дастурнинг бажарилиши тўғрисида мақола, хабарлар, фотолавҳа, мусоҳабалар эълон қилиб боришни таъминлаш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Асакадаги ЎзДЭУавто корхонасида бугун ишлар жадал.

Владимир МОЛГАЧЁВ олган суратлар.





АҚШ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ МЕМОРАНДУМИ

ПЕНТАГОН (ЮСИА). Илгари хабар қилинганидек, мудофаа вазири Уильям Перрининг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан учрашувида Америка Қўшма Штатлари билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари, шунингдек, мудофаа ва хавфсизлик соҳасида иккала мамлакат ташлаётган муайян қадамлар муҳокама қилинди:

қуйида Мудофаа вазирлиги тарқатган меморандум матни эълон қилинади.

Мудофаа вазири Уильям Перри Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан учрашди. Ўрта Осиёда хавфсизлик ҳамда Қўшма Штатлар билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Бу Ислом Каримовнинг Пентагонга биринчи ташрифи эди. Ташриф АҚШ билан Узбекистон уртасидаги икки томонлама алоқалар ҳамда хавфсизлик соҳасида кўп томонлама шерикликнинг аҳамияти тобора ошиб бораётганидан далолатдир. Учрашувда мудофаа ва хавфсизлик соҳасида ташланган муайян қадамлар қайд этилди. Улар орасида жумладан қуйидагилар бор:

— 1995 йил октябрида ҳарбий ҳамкорлик бўйича аҳдлашув ҳақидаги меморандумнинг имзоланиши.

— Ҳарбий ҳамкорлик бўйича икки томонлама ишчи гуруҳи ташкил этилиши. Мазкур гуруҳ кейинги пайтда икки марта учрашув ўтказди.

— Луизиана штати миллий гвардияси билан Ўзбекистон Республикаси қуролли кучлари ўртасида шериклиқ муносабатлари ўрнатилиши.

— Иккала мамлакат қуролли кучлари ўртасида алоқалар ўрнатилиши.

— Узаро фойдали иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун конверсион қўмита ташкил этилиши.

— АҚШнинг Гармишдаги (Германия) Маршалл маркази йўли билан ҳамда халқаро ҳарбий дастурлар ва кадрлар тайёрлаш дастурлари йўли билан мутахассислар тайёрлаш дастурини амалга ошириш.

— Узбекистоннинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури шафелигида ўтказилаётган ҳарбий машқларда иштирок этиши.

АҚШнинг Тошкентдаги элчихонасида ҳарбий атташе лавозими барпо этилгани алоқаларни сезиларли даражада мустаҳкамлагани, шунингдек, Узбекистон Республикасининг Вашингтондаги элчихонасида ҳарбий атташе лавозими очилиши ҳам алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Вазир Перри Узбекистоннинг НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурида фаол иштироки ҳамда унинг Қозоғистон ва Қирғизистон билан биргаликда қўшма батальон тузиш, шунингдек, 1997 йилда Урта Осиёда «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» руҳида қўшма ҳарбий машқлар ўтказиш борасидаги саъй-ҳаракатлари хусусида ижобий фикр билдирди:

учрашув пировардида иккала томон ҳам узаро тинчлик ва фаровонлик манфаатлари йўлида Қўшма Штатлар билан Узбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорликнинг мустаҳкам пойдеворини янада мустаҳкамлашни давом эттиришга интилиш истагини баён қилдилар.

ЯНГИ КОТИБ САЙЛАНДИ

Яқинда Ўзбекистон ХДП Қибрай туман кенгашининг пленуми бўлиб ўтди.

Унда ташкилий масала кўрилди. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан М. Тожиева туман кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод этилди.

Қибрай туман партия кенгашининг биринчи котиби этиб А. А. Ортиқхўжаев сайланди.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби Ў. Тургунов ва туман ҳокими М. Куччиев қатнашдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази

Ҳукм ўқилди

БОЛАНИ ЁМОНЛИКДАН ЙИРОҚ ТУТ

Фарзанд дунёга келган кун оилада хурсандчилик бўлади. Қариндош-уруғдан суюнчи оладилар. Яқин биродарлар шод, дўстлар шод. Дуо қиладилар.

— Илоё, умри узун бўлсин. Ота-онасини қувонтирсин.

Баъзан шу орзу ушалмайди. Энди ҳаёт пойига қадам қўйиш чоғида ўсмир жиноятга қўл уради. Бир вақти суюнган уруғ-аймоқ, қўни-қўшнининг ичи ачийди.

— Нега у бундай қилибди?

Отани ўйлантиради бу савол. Онани ўйлантиради. Барча таниган-билганни ўйлантиради бу савол. Лекин ҳеч ким шу бола ёмон йўлга кирганига ўзининг ҳам айби борлигини эсига келтирмайди. Кўча-кўйда у тегажоқлик қилиб юрганида эътиборсиз қараганини ҳис этмайди. Нега шундай? Чунки бир-биримизга, айниқса ёшларга бефарқмиз. Шунинг учун улар қўлидан келганию, кўнглидан ўтганини қилади.

Қуйичирчиқ туманидаги Ҳамза номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган 49-сонли ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчилари Азат Жумабеков, Усен Сеитов ҳам «қўлидан келганини» қилди. Жавобгарликларни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этди.

1995 йилнинг 12 сентябри. Ҳамза номли жамоа хўжалигининг даласида синфдошлар Азат, Усен шу бригада тарозибони Ербол Туркебаев билан ўзаро жанжаллашиб қоладилар. 1976 йил туғилган Ербол уларни бир шапалоқдан уради. Зўравоннинг бу ҳаракатларидан жаҳли чиққан Азат ўч олиш ниятида дўсти Усен билан ўзаро жиноий тил бириктириб, Е. Туркебаевни ўлдириш режасини тузади.

Воқеанинг эртаси. Тахминан соат 13.30. Азат Жумабеков уйидаги отасига тегишли бўлган пичоқ билан қуролланади. Усен Сеитов унга эргашади. Икки синфдош қараса, Ербол Туркебаев кечаги жойдаги хирмонда дам олаётган экан. Икки шерик шу жойда қўққисдан Ерболга ташланади. Натижада жабрдийда пичоқ зарбидан ҳалок бўлади.

Икки шерик шу билан жиноий ишга хотима ясашмади. Мудҳиш ҳаракатни давом эттиришади, яъни сал нарирёқда мактабдошлари —Бекжон Исакбоев қочиб кетаётганини кўриб қолишади. У хирмон олдида турган тележка устида уйнаб юрган ва воқеадан хабардор бўлиб қолганди. У қўрқанидан жуфтагини ростлаган эди.

Жиноятни яшириш керак? Азат ва Усеннинг миясига яшиндек урилди бу фикр. Ва гувоҳни йўқотиш мақсадида Усен Бекжонни қувлаб тутиб олади. Кўзи қонга тўлган Азат илтижо қилаётган Бекжонни ҳам ўлдиради.

Энди камолот палласига оёқ босган даврида А. Жумабеков ва У. Сеитовлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 97 моддаси 2-қисми «а», «ж», «о», «п» бандларига асосан айбни оғирлаштирадиган қотилликда айбдор деб топилиб, Тошкент вилоят судининг ҳукмига кўра узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Кишини ларзага солувчи жаллодликни она сути оғзидан кетмаган болалар қилганининг ўзи даҳшат. Ўйнабкуладиган даврида одам жонига қасд қилган болаликни болалик, деб бўладими?

1979 йил туғилган Руслан Мустафин илк бор қора курсига ўтирганида 15 ёшда эди. Ўшанда у ўғрилик жиноятини содир этиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 125-моддаси 3-қисми билан уч йил озодликдан маҳрум қилинган ва амнистия қўлланиб озод этилганди. Бор-йўғи 8-синф маълумотига эга бўлган Руслан бундан тўғри хулоса чиқармади. Гиёҳвандликка берилиб кетди.

Шу йилнинг 25 февралига ўтар кечаси. Кўчада санқиб юрган Руслан соат икки учлар орасида уйига келади. Қараса, онаси Валентина Лизнева исмли аёл билан вино ичиб ўтирибди экан.

—Нега буни яна киргиздингиз?

Руслан онаси Гўзал Мустафинага шундай дея уйидан ҳайдаб чиқариш мақсадида В. Лизневани эшикка томон судраб кетади. Шу чоғ кўзи ошхона столи устида ётган пичоққа тушиб, униям олволади.

Уйнинг иккинчи қаватидан пастга тушиш чоғида Валентина қоқилиб йиқилади. Бундан қаҳрланган Руслан унинг чап юзига пичоқ билан уриб, тан жароҳати етказади. Юзи қонаган В. Лизнева кўчага чиқиб, туртиниб кетади. Ва бу ҳаракатининг ҳам «ҳақини» олади. Чап биқинидан пичоқ ейди. Ҳолсизланиб қолган меҳмонни Руслан далага-шолизорга судраб келтиради. Энди аёлнинг ўнг биқинига пичоқ уради.

Лизнева батамом тугаганди. Лекин инсонийлик қиёфасини йўқотган Р. Мустафин бундан қониқмайди, уни ўлдиради.

Унча-мунча одам чумчуққа озор бергиси келмайди. Унга пичоқ қутаришдан чўчийди, раҳми келади. Руслани қаранг. Сесканмаган ҳам. Шафқат уйғонмаган ҳам. Чунки унинг болалик меҳри қотиб қолган. Қалбида меҳр йўқ.

Р. Мустафин 1994 йилда жазони ўташ жойидан қайтиб келгач, тергов даврида аниқлаш имкони бўлмаган шахслардан гиёҳванд моддаларни сотиб олиб, муттасил равишда истеъмол қилиб келган. Уйида тинтув ўтказилганда ҳам 18,2 грамм марихуанна топилди.

Ҳали ўн гулидан бириям очилмаган бу йигитни ёмон йўлга киргани, гиёҳвандликка муккасидан кетганини атрофдагилар сезмаган-кўрмаганмикин? Ўз вақтида олди олинганида бу фожиа бўлмасмиди?

Ушбу жиноят иши Наманган вилоят судининг очиқ суд мажлисида судья Г. Охунова раислигида кўрилиб, Руслан Мустафин Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 276-моддаси 1-қисми ва 97-модда 2-қисми «в», «л» бандлари билан 11 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Жазони вояга етмаганлар сақланадиган кучайтирилган тартибли тарбия колониясида ўташлик белгиланди.

Келажагимизнинг умиди бўлган ёшлар, вояга етмаганлар орасида учрайдиган айрим бундай жиноятларни афсус билан қаламга олдик. Чунки бу катта хавфдир. Беғубор дилини қабоҳатга қорган ўсмирнинг қилмиши эса битмас жароҳат.

Бола нопоклик кўчасига кирибди, дейилса ҳушёр тортайлик. Қишлоқ, маҳалла, гузар оёққа турсин. Мактабларда, маҳаллаларда бундай мудҳиш ҳодисалар муҳокама мавзусига айлансин.

Келинг, биз юқорида қаламга олган, жиноятлар содир этилган жойдаги мактабу қишлоқ, гузардагилардан сўрайлик. Ҳаёт пилларпоясига энди қадам қўйиш чоғида адашган, қабиҳлик йўлини тутган ўсмирларнинг қилмишини, уларнинг қаҳр ботқоғига чўкиш сабабларини ўзаро муҳокама қилдингизларми?

Сиз, фарзанд тарбиялаётган юртдошларимизга эса айтадиганимиз шу. Болангизни ёмонликдан йироқ тутинг.

Бахтиёр ЖЎРАЕВ, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси бўлим прокурори.

ЎЗИНГ ЁНМАСАНГ...

Сўнгги пайтларда Зафаробод тумани бошқаруви тажрибаси эътироф этила бошланди. Бошқача айтганда туман ҳокимлиги ишга туб ислоҳотлар асосида ёндашмоқда. Бу эса ютуқларнинг кўпайишига омил бўляпти. Биргина қишлоқ хўжалигида эмас, маданият, халқ таълими, тиббиёт, спорт, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ободонлаштириш соҳаларида ҳам ўзгаришлар ясалди. Қандай қилиб?

Туман ҳокими Собиржон АБДУСАТТОРОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда.



— Туманнинг асосий экин майдонлари шўр, гипсли, бунинг устига сув муаммоси оғир. Шунга қарамай тўрт йилдирки, пахтачиликда эмас, балки бошқа соҳаларда ҳам режаларни мунтазам уддалаб келмоқдасизлар...

— Ўзинг ёнмасанг, бировни ёндиролмайсан. Ўзинг ўрнак бўлмасанг, бировни орқангдан эргаштиролмайсан. Биринчи галда одамларнинг руҳи, кайфиятини кўтаришга ҳаракат қиляпмиз. Иккинчидан, тозалик, ободонлаштиришга эътибор алоҳида. Билсангиз, туманда бозор, ҳатто нон дўкони ҳам йўқ эди. Ҳар бир бригадир, мутахассис, звено бошлиғи, деҳқон билан юзма-юз, очиқ гаплашдик. Нажот, ёрдам сўраб кирганларни ноумид қайтармадик. Одамлар мени тушунди, мен одамларни. Ҳамма ютуғимизнинг ўзаги шу бўлса керак.

— Янги имкониятлар эшиги очиляптими?

— Ҳозирги бозор иқтисоди даврида режаларни, айниқса пахта режасини бажармаган туман ёки хўжаликни қоронғида, эшик олдида туртиниб юрган одамга қиёслагим келади. Қоронғида одам довдираб, қадамини эҳтиётлаб босади. Туман ҳам, хўжаликлар ҳам шундай...

— Баъзи туманларда йирик хўжаликлар иккиучтага бўлиниб майдалаштирилиб юборилди. Бу «тажриба»га қандай қарайсиз?

— Майда хўжаликларда ҳеч қачон самарадорликка эришилмайди. Қуввати, имконияти пасаяди. Майда амалдорчалар кўпаяди. Бу ортиқча харажат, ортиқча ташвиш дегани. Балки ундан кимлардир манфаатдор бўлиши мумкин. Лекин хўжалик учун, оддий деҳқон учун фойдаси йўқ.

— Раҳбар қай тарзда камол топади?

— Раҳбар ишда, одамлар орасида камолотга эришади. Ҳоким ўша кадрни кузатиб бориши, тарбиялаши, чиғириқлардан ўтказиб кўриши керак. Кучи нимада, дурустроқ лавозимга қўйса эплаб кетоладими йўқми ва уни керак пайтда ҳимоя қила билиши ҳам керак. Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Анвар Маматқулов бир ширкатни бошқарарди. Уни қолоқ, самарадорлиги паст— «Тинчлик» ширкатлар уюшмасига директор қилиб тайинладик. Шу хўжалик икки йил ҳам вилоятда пахта тайёрлаш йиллик режасини биринчилардан бўлиб бажарди. Кейин уни ўта мураккаб, бошқариши қийин бўлган Охунбобоев номли йирик хўжаликка ўтказдик, ҳар қалай у бу ерда ҳам ўзини кўрсатди, ишончни оқлади.

— Одамларни бошқара билиш санъати ҳақидаги фикрингиз?

— Аслини олганда ҳар бир одамнинг ўзи бир олам. Демак, раҳбар ҳар соатда, ҳар куни ана шундай ўнлаб, юзлаб одамлар билан тўқнашади, суҳбатлашади, муаммоларни ечиб беришга тўғри келади.

Ислоҳот ва масъулият

Бунинг устига улар турли табиатли, ҳар хил ихтисос кишилари, уларнинг дунёқараши ҳам турлича. Шундай экан, раҳбар етук одам бўлиши, яъни чуқур билимли, мушоҳадали бўлиши, узоқни ўйлаб яшаши ва ишлаши керак.

— Ҳозир айримлар иқтисодий қийинчиликларни рўкач қилишга ўрганиб қолди. Нима бу, ўзимиздан масъулиятни соқит қилишми?

— Бундай кишини мен қўрқоқ, ташаббуссиз, боқимандалик қобиғига ўраниб қолган раҳбар, деб ҳисоблайман. Мустақиллик бизга мустақил ишла, имконият топ, бировга қарам бўлма, деяпти. Ҳадеб қийинчиликларни важ қилиб кўрсаташверсанг, шунга ҳам ўрганиб қоласан. Бу ношукрликка айланмаслиги керак. Тўғри, раҳбарлик юки оғир. Уни ҳамма ҳам кўтаравермайди.

— «Оғзикенг» сув омбори қурилиши катта маблағ, қудратли техникалар талаб қилади. Ҳозирги шароитда уни амалга оширишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бордию у ишга тушса, туманда қандай қийинчиликлар ҳал қилинган бўларди?

— Туманимиз Жанубий Мирзачўл каналининг энг адоғида жойлашган. Бизда сув биринчи сонли муаммо. Бултур лимитдаги сувнинг 40 фоизи экинларга етиб келганди. Натижада зовур сувларидан фойдалангандик. Туман ташкил этилганидан бери Ф. Хўжаев номли, Беруний номли, Ҳ. Олимжон номли хўжаликлар сувдан қаттиқ қийналишади. Бу қачонгача давом этади? Лойиҳа тузиб, республика Вазирлар Маҳкамасига мурожаат қилгандик. Раҳмат ҳукуматимизга, шундай оғирчилик пайтида илтимосимизни ерда қолдирмади. «Оғзикенг» сув омборини қуриш учун 128 миллион сўм пул ажратди. Техника масаласига келсак, талай механизациялашган кўчма колонналар ўз хизматини таклиф этмоқда. Уларга пул, бизга эса иш керак. Биринчи босқичда 6 миллион кубметр оби-ҳаёт сиғадиган сув омбори қурилади. Кейин у 50 миллион кубметрга етказилади. Бундан фақат бизнинг хўжаликлар эмас, Фориш тумани хўжаликлари ҳам манфаатдор бўлишади. Бу туманимиз тараққиётига катта имкониятлар эшигини очади дегани. Янги ерлар ўзлаштирилади, балиқчилик ташкил этилади, балчиқ билан даволанадиган санатория қурилади.

— Собиржон Отабекович, истиқболдаги режалар қандай?

— Американинг «Байсел» компанияси билан ип йигирадиган, кейинчалик кийим-кечак тўқийдиган қўшма корхона қуришга шартнома тузилди. Бу юмушлар учун фирма 11 миллион доллар ажратадиган бўлди. У қурилиб ишга тушгач, 500 киши иш билан таъминланади. Йилига 2400 тонна калава ишлаб чиқарилади. Бошқача айтганда, корхона ҳозирча туман ишлаб чиқараётган маҳсулот қийматига баробар даромад келтиради.

Суҳбатдош:
Саидмурод НОРБОЕВ.

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

• Шу йилнинг июль ойи бошида Ҳиндистонда ташкил этилган Бирлашган фронтнинг коалицион ҳукумати таркиби янада кенгайтирилди. Вазирлар Маҳкамаси таркибига сўл марказ йўналишидаги турли партияларнинг 13 вакили ҳам киритилди. Ҳозир Деве Говда бошлиқ ҳукумат таркибида 35 киши бор.

***

• АҚШнинг иммиграция хизмати ходимлари Вашингтонда Россиянинг икки фуқароси А. Конанихин ва Е. Грачевани ҳибсга олдилар. Бу эр-хотинлар Россияда минглаб омонатчиларнинг 8 миллион долларлик пулини ноқонуний тарзда ўзлаштириб, 1992 йили мамлакатни хуфиёна тарзда тарк этишганди. Шундан буён улар қидирилаётган эди.

***

• Уммон давлатида сув тошқини натижасида 7 нафар хорижий фуқаро ҳалок бўлди. Улардан 4 нафари инглиз фуқароси, икки нафари америкалик ва бир голланд аёли эди.

***

• Женевада дунёнинг олтмиштдан зиёд мамлакатларидан келган вакиллар иштирокидаги конференцияда ядро синовларини тўлиқ тақиқлаш ҳақидаги шартномани имзолашга келишиб бўлмади. Айрим делегациялар вакилларининг гапига қараганда, эндиликда, белгиланган муддат — 29 июлгача шартномани имзолашнинг имконияти бўлмайди.

***

• Исроил Бош вазири Нетаньяху эронлик террористларни Саудия Арабистонида қўпорувчилик ҳаракатини амалга оширганликда айблади. Эрон томони эса ўз навбатида бундай айбловни кескин рад этди.

***

• Европа комиссияси раиси Жак Сантер Европа Иттифоқи АҚШнинг Кубага қарши иқтисодий санкцияларига нисбатан салбий муносабатда эканлигини таъкидлади.

***

• Италия аҳолиси кейинги пайтда камайиб бормоқда. 1995 йилда италияликлар ўтган йилга нисбатан 29130 кишига камайган. Аҳолининг умумий сони бугунга келиб 57 миллион 332 минг кишини ташкил этяпти.

ДУНЁНИ ГЎЗАЛЛИК ҚУТҚАРАДИ

Аёл ва ҳокимият. Бу сўзлар мазмуни қанчалар узоқ. Бу сўзлар мазмуни нақадар яқин. Нафосат, муҳаббат, гўзаллик тимсоли — аёл билан куч, қон, тер тимсоли — ҳокимият ўртасида қандай боғланиш бор?

Аёл-ожиз, аёл-шафқат, аёл-меҳр, аёл-муҳаббат. Унинг марҳамати-ўтинч, унинг нафрати-илтижо; ўкинчи-соғинч, қувончи-соғинч. У ана шундай ҳимоя қилади. У ана шундай ҳимоя истайди.

Ҳеч ким аёлчалик севилишга эҳтиёж сезмас. Ҳеч ким аёлчалик севилиш учун курашмас. Унинг тирноғидаги ҳинаси-ю, кат остин-устун бўлиши, боғлар культепага айланиши, улкан мамлакатдан бир сиқим тупроқ қолиши ҳеч гапмас.

Худонинг ўзи маликаларга инсоф берсин!

Аёл билан ҳокимият ўртасида ана шундай боғлиқлик бор. Аёл шундай ҳокимлик қилади, шундай ҳукм юритади. У ўзи ишғол қилган кўнгил салтанатининг ободонлигини ўйлаши, келажаги ҳақида қайғуриши, бу кўнгил эгасини эзгуликка йўллаши лозим. Аёл учун саодат — шу.

Буни тушунмаслик ёки тушунишни истамаслик йўлининг интиҳоси ҳалокатлидир. Бир умр

Мулоҳаза

яшаб, бу саодат мевасини татиб, таъмини ҳис қилмай ўтганлар бор. Бу саодат мевасига бир умр термулиб ўтганлар ёнидан бу меваларни беғам, бепарво улоқтириб ўтганлар бор...

Инсон ўзи орзу қилган, етмоқни истаган манзилига сакраб юриб етиб бора олмайди, доимо эгилиб ёки фақат талтайиб ҳам етиб бора олмайди...

Ўтган кунни, қилган яхши-ёмон ишларни хотирлаб туриш йўлдаги инсонни бало-қазодан, турли қўргуликлардан асрагай, унинг ҳалокатли, хавфли жойлардан эсон-омон ўтиб олишига ёрдам бергай. Бизнинг бугун яна бир бор **машҳур Миср гўзали Клеопатрани** ёдга олишимиздан ҳам мақсад шу. Зеро Клеопатра нафақат гўзалликнинг, балки хато ва фожианинг ҳам тимсолидир.

Грекчадан таржима қилинганда Клеопатра «Ота томондан машҳур» маъносига тўғри келади. А. С. Пушкин «Миср тунлари» тўпламига кирган бир шеърида Аврелий Викторнинг кўрсатмасига асосланганини ёзади, гўё Клеопатра муҳаббати эвазига ўлим талаб қилинган ва ҳатто бу шарт қўрқитмаган ва нафратлантирмаган ошиқлар ҳам топилган... Клеопатра ана шундай тарихга кирди. Лекин унинг тарихга киришни қанчалик ўйлагани бизга номаълум. Уни бундай икир-чикирлар қизиқтирмаган. У шунчаки, кўнгли буюрганидай, қандай хоҳласа шундай яшаган, холос.

Унинг аждоди Миснинг эллинистик шоҳлари аждоди, А. Македонскийнинг содиқ дўсти ва қўлдоши Птоломей I Сотерга бориб тақалади. Александр ёш ўлиб кетгач, у забт қилган дунё яқин дўстлари ва қўмондонлари ўртасида тақсим бўлди. Хизматлари улкан бўлган Птоломей ўзи пинҳон мафтун бўлган гўзал ва сеҳрли Миснигина сураб олди. Македонский асос солган Миср Александриясида Птоломей машҳур Александр кутубхонаси ва музейига асос солиб, доно ва маърифатли ҳукмдор сифатида ном қозонди.

Лекин унинг энг яқин вориси Птоломей II ўзидан 8 ёш катта бўлган ўз опаси Арсинояга уйланиб, бутун Птоломейлар авлоди шаънига доғ туширди. Тағин бутун Эллинларни ҳайратда қолдириб, у одат бўйича уйланганини ва гўё бу одат шоҳликнинг илоҳий моҳиятини сақлаб қолишини маълум қилди.

Шундан бошлаб, Птоломейлар авлодида бундай никоҳ одат тусига кирди ва гарчи яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ наслнинг айнишига олиб келса-да, бизнинг Клеопатра ўз мисолида буни бутунлай рад қилди...

Шу тариқа саҳнада қаҳрамонимизнинг отаси Птоломей XII Теос Филопатор Филадельфер Неос Дионисий Авлет пайдо бўлади. Унинг ақлий қобилияти мақтаса арзигудай эмасди, найни яхши чалар, шафқатсиз ва ҳамманинг нафратига дучор кимса эди. Унинг ўғли Птоломей XIII анъанага кўра ўз опасини хотинликка олди. У атиги 12 ёшда, опаси эса 17 ёшда эди. Уни Клеопатра VII Филопатра деб аташарди.

Уларнинг отаси флейтага шу қадар алаҳсиб қолгандики, давлат ишларига мутлақо вақти етишмасди. Мисрдаги бутун вазиятни римлик судхўрлар идора қилишарди, уларнинг биттасига мусиқий отахон мамлакатнинг бош молиявий вазифасини ҳам топшириб қўйганди.

Энг космополитик халқ ҳисобланган александрияликлар охири чидай олмай флейтачини ҳайдайдилар. Тахтни эса Птоломей XIIнинг қизи — Береника эгаллайди. Флейтачи Рим легионларига — Сурияга қочиб боради ва улардан ёрдам сўрайди.

Лекин бу дунёда ҳеч нарса тезда амалга ошмайди. Римлик легионларнинг Мисрга бостириб келгунларига қадар 4 йил ўтиб кетди. Флейтачи римлик ҳарбий қўмондонга бунинг учун 10 минг талант олтин ваъда қилди. Лекин римлик ҳарбий бошлиқларнинг кўпчилиги бу юришга қарши эди. Уларнинг орасида отлиқ аскарлар бошлиғи, келгусида Цезарнинг яқин ҳамкори ва эркатойи ёш ҳарбий бошлиқ Марк Антоний бор эди. Шуҳратпараст, ҳали ўттизга ҳам тўлмаган Антоний қаҳрамонлик кўрсатиш иштиёқида ёнарди. Унинг оташин нутқи легионларни юришга кўндирди ва бу юришда у илғор қисм билан бирга Александрияга кириб жасур саркарда ва тажрибали ҳарбий қўмондон сифатида ўзини кўрсатди. Бу ерда у илк маротаба Клеопатра билан учрашди, лекин бу учрашув ҳали давом этиши мумкин эмасди, чунки у ҳозирча жангу-жадал ғалабаси билан маст, Клеопатрани ҳам бошқа оилавий муаммолар қизиқтирарди.

Тахтни яна Птоломей XII эгаллагач, у Береникани қатл этишга буйруқ беради ва қанча ялинишларига қарамай, ўз ҳукмини ўзгартирмайди.

Шундай қилиб Клеопатра оиланинг каттаси бўлиб қолади. Отасининг ўлимидан кейин, у кичик укаси билан Юқори ва Қуйи Миср идора қилиши керак эди.

Маҳмуда ЖЎРАЕВА.

ЭРКАКЛАР УМРИ ҚИСҚАРИБ БОРМОҚДА

АҚШнинг дори-дармон препаратлари билан шуғулланувчи миллий қўмита мутахассислари АҚШлик эркак ва аёллар ўртасида бир неча кузатишлар ўтказишгач, қуйидагича хулосага келдилар: АҚШлик эркаклар аёлларга қараганда 1,5 баробар кўп касал бўлишаркан, шунингдек, хасталик турлари ҳам аёллар дучор бўлаётган касалликларга нисбатан 1-2 марта кўп экан. Бу ҳам етмагандек америкалик эркакларнинг умр кўриш давомийлигини аёлларники билан солиштирадиган бўлсак, ушбу асрнинг иккинчи ярмида эркаклар умри аёлларга қараганда 10 фоизга қисқариб кетганлигини кўриш мумкин.

Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса сабаб бу дунёдан кўз юмаётганларнинг 90 фоизини эркаклар ташкил этади. Ўз-ўзини ўлдириш хавфи ҳам эркаклар орасида 4 марта кўп.

ЯНА 10 ЙИЛ ЯШАШИ МУМКИН

Вьетнамлик 81 ёшли кампирни шаҳар касалхоналаридан бирига олиб келишганда, унда нафас олиш тўхтаган эди. Қабулхонадаги шифокор уни жиддий тиббий кўрикдан ўтказмади-да, кампирни ўлганга чиқариб қўя қолди ва махсус печда мурдани куйдириш учун тобутга солиб, автомат-лентада печга жўнатди. Хайриятки, печга етмасдан кампир ҳушига келди ва ўтириб олиб бақира бошлади. Ҳар қалай дўхтир лентани тўхтатиб қолишга улгурди. Кампир яна шифохонада, фақат бунда эмас, бошқасида. Уни тиббий текширишдан ўтказган дўхтирларнинг айтишича, кампир яна 10 йил умр кўриши мумкин экан.

ҚИСҚАЧА

• БМТ маълумотларига кўра, дунёда наркотик моддалар сотиш бўйича яширин пул айланмаси йилига 400-500 миллиард долларни ташкил этар экан.

***

• Италия табиблари жаҳонга машҳур қўшиқчи Лучиано Павороттига ўзи севган макарон-спагеттилардан воз кечишни таклиф қилишяпти. Бўлмаса Павороттининг тенорлик овозидан айрилиб қолиши мумкин эмиш.

***

• Швейцария ҳукумати ҳозирга келиб Жавҳар Дудаевнинг беваси Алла Дудаевانинг Швейцарияда юрибди, деган миш-миш ахборотларни рад этишди. Бу ҳақда «Интерфакс» мухбирига Швейцариянинг Москвадаги элчихонаси вакили маълумот берди.

***

• Серб Республикаси Президенти Радован Каражич ўз лавозимидан бўшаш ҳақидаги қарорини ташқаридан бўлаётган таъсир остида қабул қилаётганлигини айтди. Лекин у ўз ваколатларини топширишга ҳозирча шошилгани йўқ.

***

• Ўтган ҳафтада Нальчик шаҳри автовокзалида йўловчи ташиш автобуси тўсатдан портлаб кетди. Натижада 4 киши ҳалок бўлди ва 20 дан зиёд йўловчи оғир жароҳатланди.

АЙТГАНДА

Бу воқеа балки Гиннеснинг «Рекордлар китоби»га, ёки тиббиёт дарсликларига киритилар, буниси бизга қоронғу. Аммо воқеа қаҳрамони ниҳоятда матонатли эканлиги бизни ҳайратда қолдирди. Гап шундаки, Туркиянинг Маниса шаҳрида яшовчи, беш фарзаднинг онаси, 35 ёшли Халима хоним олтинчи чақалоғини ўз уйида, ўзини-ўзи операция қилиш, яъни қорнини ёриб олиш йўли билан дунёга келтирди.

ЎЗИНИ-ЎЗИ ОПЕРАЦИЯ ҚИЛДИ

Ҳалима Йилмазнинг эри бундан бир неча ой муқаддам уларни ташлаб уйдан бош олиб чиқиб кетган.

Ҳалима хоним ишламайди, шаҳар чеккасидаги ярим хароба уйда бечораҳол кун кечиради. Шунинг учун тўлғоқ тутганда туғруқхонага бормади, ҳеч кимга ҳеч нарса демади, «бировнинг кўмагисиз туғиб оламан» деб ўйлади. Аммо тўлғоқ даври бир кеча-кундузга чўзилди. Шунда Ҳалима хоним ўз қорнини ёришга қарор қилди ва болаларига уйдан чиқиб туришни, уйга кирмасликни тайинлади.

Жарроҳлик учун керакли ашёларни — олмос (лезвия), қайчи, пичоқ, игна ипи билан, латта ва сувни яқинига ғамлаб олгач, қорнини 17 сантиметр узунликда ёрди. Чидаб бўлмас даражадаги оғриққа ва кучли қон кетишига қарамасдан бу ишга ўта совуққонлик билан ёндашди ва натижада ўзини йўқотиб қўймади. Ҳамма ишни матонат ила тартиб бўйича қилди, яъни қорнини ёргач, болани аста қўлига олди ва қайчи билан киндигини кесди. Шундан сўнг қорнини тикишга киришди ва ўн игна тиккандан сўнг... ҳушидан кетди, негаки, кўп қон йўқотган эди, бундан ташқари даҳшатли оғриқ ҳам уни ҳолсизлантирганди.

Ярим соат вақт ўтгач, 10 ёшли тўнғич ўғли онаси аҳволидан хабар олмоқ учун хайриятки хонага кирди. Онасини ҳушсиз кўриб, тезда қўшниларни чақириб чиқди. Улар эса полицияга хабар беришди ва полиция ёрдамида касалхонага олиб боришди.

Шундай қилиб она олтинчи фарзандини ҳам туғиб олди. Чақалоқ 2,9 килолик тош босди. Ҳозир она ҳам, бола ҳам ўзларини яхши ҳис этишмоқда.

Германия. Франкфурт шаҳри.
А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Йўлдош СУЛАЙМОН

ЎЗИНИ ЯНГИЛАБ ТУРАДИ ДУНЁ

ЎЗИМСАН

Хаёлда саволлар ўралган тугун,
Нима ўзи Ватан, нима ўзи шон?
Кеча ном-нишони бўлмаган инсон —
Қайсидир маконда туғилар бугун.
Кимнинг тақдирида саҳрои кабир.
Ё музлик битилган пешонасига,
Кимдир соҳиб иқбол нишонасига,
Ё худо, ҳаммага ёр бўлсин сабр!
Ўзбек тупроғидан яралган таним,
Яшашдан муродим ёлғиз сен учун —
Фидодир Йўлдошнинг идроку кучи,
Сен менинг ўзимсан, Она — Ватаним!

ЯХШИЛИК

Бу оламда яхшиликдан яхшилик қўриш қийин,
Муҳаббат бўлган билан гаштини суриш қийин.
Катта оғиз бўлма, бир мақомда туриш қийин,
Оддий сўз: бузиш жуда осону қуриш қийин.
Турсанг жар қирғоғида ҳушёр бўл, сузадилар,
Ҳалолликнинг ипини билдирмай узадилар.
Урушу жанжалларнинг режасин тузадилар,
Муҳаббатнинг қасрини атайин бузадилар.
Арпа экканга арпа, буғдой экканга буғдой,
Йигит бўлсанг суянч бўл дўсти ёринга тоғдай.
Эл деганнинг юраги ёнади худди чўғдай,
Номусу ор шиори ҳилпираб турсин туғдай!
Ўзга учун бўйнингга, майли, олма муаммо,
Қўлларингдан яхшилик келмаса, майли, аммо —
Ёмонликни ҳеч кимга раво кўрмасанг бўлди,
Ўзгаларга қайишган дилдан дил нурга тўлди.
Ўзингни олиб қочма ҳақиқат нигоҳидан,
Қадам ташла имону диёнатнинг роҳида.
Бари ҳикмат ёзилган ҳалоллик огоҳида,
Халқнинг ҳақи доимо худонинг паноҳида.
Баҳиллигу адоват ҳамиша дилга оғриқ,
Вужудингни гар ундан этмоқчи бўлсанг фориғ:
Хизматни айла адо, раҳматин айтмаса ҳам,
Яхшилик қил, эй, Йўлдош, яхшилик қайтмаса ҳам!

ЭҲТ АЪЛО ЗОТ

Қўлимда бир сиқим тупроқ турарди,
Кафтимга сезилиб, кўкси урарди.
Ажабо, жонзотми, билолмам, недир,
Эҳтимол бобомнинг тирик руҳидир!
Ё марҳум устозим сўзлаётгандир,
Топмаган эъзозим излаётгандир.
Мени қўллаб турган улуғ дадамдир,
Узоқдир, яқиндир, кўплаб одамдир.
Оламда тупроқдан аълороқ зот йўқ,
У башар қалбидир, танда ёнган чўғ!
Отам ҳам, онам ҳам, ҳотам ҳам ўша,
Ўтиб кетганларга абадий гўша!
Унда Навоийнинг дили, ўзи бор,
Кўпларнинг айтолмай қолган сўзи бор.
Вужудни куйдирган ўтли кўзи бор.
Босолмасдан доғда кетган изи бор.
Яссавий ноласи тушди дилимга,
Бир ҳикмат қуйилиб келди тилимга:
Тупроққа қўшилиб, бўлолсанг тупроқ,
Дунёни биларсан кўплардан кўпроқ!

МЕН СИЗНИ ИЗЛАЯПМАН

Хуш кўраман ҳамиша тонгни кутган бедорни,
Фақат ёлғон-яшиқлар қуритади мадорни.
Дўст излаб тополмадим бирорта харидорни.
Қалам ёзганмикин ё қисматимга фироқни,
Яқин қилолмадим ҳеч ҳамон ўша йироқни,
Аммо кўриб турибман милтиллаган чироқни!
Мени дўст ақробалар ўзидан жудо этса,
Бошқалардан наф излаб, майли, жон фидо этса,
Оқибатдан сўз очиб, ўзгача нидо этса,
Бошпана тополмасам Сиз эшик очармисиз,
Ё дунё йиғиш билан овора-ночормисиз,
Эски тўнли эски дўст келса ё қочармисиз?
Сиз, эй, ёру ошнолар, Сиз ҳам мендай хормисиз,
Сиз кимсиз, нега жимсиз, номусмисиз, ормисиз?
Эл юки оғирлашса қуёнми ё нормисиз,
Қалбингизга бирор дўст сиғарми ё тормисиз?
Йўлдошни йўқлайсизми, йўлларига зормисиз,
Мен Сизни излаяпман, бу дунёда бормисиз?!

ДУНЁ

Мен билан тенгдошдир мана бу чинор,
Ўз боғимда яна қанча дарахт бор!
Баъзилари эса кесилиб кетган,
Қолганлари шундай онига етган.
Ёнларида ўсар янги нов-ниҳол,
Одам зотида ҳам кечар шундай ҳол.
Не бор ўзи асло қаримайдиган,
Ёшлик шижоати аримайдиган?!
Бу борада омад оламга ёрдир,
Ҳар не чорлов бўлса доим тайёрдир.
Йигитликнинг мангу ёшида яшар,
Унга келиб-кетар меҳмондир башар,
Навқирон кўз билан кўради дунё,
Ўзини янгилаб туради дунё!

КУЙДИРГАНИНГ УЧУН

Севги гулдан гулга кўчган қуш эмас,
Янги Ватан излаб учган қуш эмас,
Севги бу — шубҳасиз, асли гумонмас,
Борлиқни ўраган ўша туманмас.
Севги бу — олисдан кўринган нурдир,
Тенгликдир, кенгликдир, ҳамиша ҳурдир.
Севги азал-азал дилдан кечириш,
Бир-бирига туйғу майин ичириш.
Севги бу — ўзгармас лабзу вафодир,
Ёлғонга ёлғону ҳамда жафодир...
Севгининг синови кучайган сари
Худбинлик балоси чекинар нари.
Кучга тўлиб борар сабру бардошим,
Қуйдирганинг учун таъзимда бошим.

Санъат

ОТНИ КИШНАТГАН БАХШИ

Бахшиликнинг ҳам ўзига хос сирсиноати бор. Дўмбиранинг аллақандай сеҳрли, ширин ва мафтункор нолалари юракларга илиқлик ва соғиниш ҳиссини олиб киргандек бўлади. Бу сознинг овозини тинглаган кишини сархушлик, интиқлик қадим-қадим замонларга етаклайди. Ҳаёл сизни ўз бағрига чорлайди.

Ҳозирги кунда бахшилик санъатига эътибор қандай? Бахши-ю оқинларимиз ва созандаларимизга эътибор сусаймадимикин? Жавоб беришга эса...

Келинг, яхшиси бизни ўйлантираётган саволлар билан халқимизнинг машҳур бахшиси Шоберди бахши БОЛТАЕВга мурожаат қилайликчи?

— Шоберди ака, ҳозирги кунда мамлакатимизда бахшилик санъатига бўлган қизиқиш, бу қадимий ва ўлмас санъат турини ривожлантириш борасидаги ишлардан кўнглингиз таскин топадими?

— Ҳа, албатта. Тан олиб айтиш керакки, мустақилликка эришгунимизга қадар бахшиларга, қолаверса, бу санъатга «панжа» орасидан қараларди. Бахшилик удумлари эса фақат Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидагина сақланиб қолганди. Энди бу анъаналар мамлакат бўйлаб қанот ёза бошлади. Бундай қайта туғилишдан халқимиз беҳад хурсанд. Бир неча йиллардан буён бахши-шоир ва оқинлар ўртасида турли кўрик-беллашувлар бўлиб ўтяпти. Қанийди шундай баҳслар фақат пойтахтда бўлмай, туман, шаҳар ва вилоятларда ҳам тез-тез ўтказиб турилса. Санъатга чанқоқ халқимиз бундан баҳраманд бўларди, кўнгиллар таскин топарди.

— Доимо халқ билан биргасиз. Тўю давраларда, саҳналарда ижро этилаётган янги-янги қўшиқларга қандай қарайсиз?

— Кейинги пайтда қўшиқчилар ҳам, қўшиғу турли-туман гуруҳлар ҳам кўпайиб кетди. Бу қувонарли, албатта. Аммо, очиғини айтиш керакки, айрим қўшиқларни эшитгинг ҳам келмайди. Мусиқаси шеърга (ёки тескариси) ҳеч мос тушмайди. Қўшиқчи ёшларимиз орасида яна бир янги «усул» пайдо бўлди. Улар шанғиллаб, қийпанглаб куйлайверишади. Буни мен ҳечам «ҳазм» қилолмайман. Яна бир гап: яқинда бир қўшиқ тингладим. Бўм-бўм дейдими-ей, бўм-бўш дейдими, хуллас, шу сўз бир қўшиқда йигирма мартадан ортиқ такрорланади. Қани бунда мантиқ. Қўшиқчида яхши овоз бўлгани билан ижро этилаётган қўшиқ юрак-юракдан айтилмаса бу бир чақага арзимайди.

— Бахшиси бор юртнинг — бахти бор дейдилар. Бир неча йиллардан буён ўзингизнинг ўлмас санъатингиз билан халқимизни хушнуд этиб келяпсиз. Шу касбни танлаганингиздан афсусланган кезларингиз ҳам бўлганми?

— Бир воқеа сира-сира ёдимдан чиқмайди. Аввал шуни айтиб берай, сўнг саволингизга жавоб бераман. Бурноғи йили Сирдарёга тўйга айтиб кетишди. Бордик. Шогирдим билан етти соат давомида «Алпомиш»ни айтиб бердик. Кўплар хурсанд бўлди, кимлардир севинганидан кўз ёши ҳам қилишди. Хуллас, тўй эсда қоларли ўтди. Якунида эса тўй эгаси қора тулпор етаклаб келди. Тулпор жуда чиройли, «қанот бойлаб учай» дерди. Отга миниб даврани икки марта айландим ва «Гўрўғли» достонидан парча айтдим. Ишонасизми, шу пайт жонивор таққа тўхтади ва уч марта кишнади. Қарангки, от ҳам нолаи-фиғонни ҳис қиларкан...

Энди саволингизга келсак. Шу пайтгача ҳеч афсус қилмаганман. Уйимизда эски дўмбира бўларди. Олти-етти ёшимдан бошлаб раҳматли падари бузрукворимдан унинг нолиши-ю, кишини ўзига маҳлиё этгувчи сеҳрли куйини ўргана бошладим. Шу созни деб мактабдан қочиб келардим. Отам дўмбирани қанча яширмасинлар, топиб олардим-у, тоғу тошларга, адирларга чиқиб ўзим билганча «тинғиллатардим». Ана шулар менга унутилмас мактаб бўлди. Қир-адирлардан, боғлардан, сўлим қишлоғимиз гўзалликларидан «илм» олдим. Ажойиб инсонлар юзу кўзидан, уларнинг ҳалол меҳнатидан, хурсандчилик кунидан илҳомландим. Энди она халқимга ана шу унутилмас ижодим билан уларнинг юракларининг қат-қатига кириб боришга ҳаракат қиляпман. Шуларнинг ўзи менга катта бахт эмасми? Худо хоҳласа, соғу саломат бўлсам бундан кейин ҳам халқимизга хизмат қилишдан чарчамайман.

— Шоберди ака, устоз ва шогирд анъанасига қандай қарайсиз? Қолаверса, бахшичиликда яхши шогирдлар тайёрлаш учун асосан нималарга эътибор бериш керак?

— Шу кунга қадар юздан ортиқ шогирд тайёрладим. Улардан фахрланаман. Лекин булар кам. Бу билан нима демоқчиман. Худонинг ўзи иноят этган истеъдод деймизми ёки иқтидорми, бўлмаса минг овора бўлиб унга ўргатма фойдаси йўқ. Қуруқ ёғочга сув қуйганинг билан у дарахт бўлиб мева бермаганидек, уқувсиз кишига ҳам билим бериш оғир кечади. Ўрганувчида озроқ қизиқиш, интилиш бўлса меҳнатинг зое кетмайди. «Қарс икки қўлдан» дейишади. Бахшиликни ўрганиш орзусида юрганларга қўлимдан келганча ёрдам бераман. Шундай қилсаккина бахшилик санъати ривож топади. Бахшиларимиз кўпаяди. Юртимиз мустақиллигини куйловчи кўплаб ёшларимиз етишиб чиқади.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Абдумалик ҲАЙДАРОВ
суҳбатлашди.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0363

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.30.
123456.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Спорт

ОЛИМПИАДА САФАРИ ОЛДИДАН

Жаҳон спортчиларининг йирик анжумани — Атланта олимпиада ўйинлари бошланишига саноқли кунлар қолди. Шу муносабат билан юртимиз вакилларининг спорт анжуманига тайёргарлигига бағишланган матбуот конференцияси ўтказилди.

Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасида ўтказилган бу йиғилишда мамлакатимиз олимпиячиларнинг жаҳоний спорт байрамига тайёргарлиги ҳақида ган борди. Қўмита раиси Б. Махситов билан миллий олимпиада қўмитаси президенти С. Рўзиев йиғилганларга ахборот беришди. Маълум бўлишича, Атлантга сафарига 75 нафар спортчимиз йўл олади. Улар спортнинг 13 тури бўйича мусобақаларда қатнашадилар. Бундан ташқари ўзбекистонлик кўплаб туристлар олимпиада мусобақаларида мухлислик қилишга чоғланиб туришибди.

НАВБАҲОРЧИЛАР БЎШ КЕЛИШМАС

Яна икки тур ўйинлардан кейин олий лига жамоалари мамлакат миллий футбол чемпионатининг дастлабки давраси ўйинларини якунлаб, довон ошадилар. Ҳар бир жамоа оралиқ маррага мавқеини мустаҳкамлаган ҳолда етишишга ҳаракат қилмоқда. Айниқса, сўнгги тур ўйинлари пешқадамлар мавқеига ҳар жиҳатдан таъсир қилмоқда. Хусусан, Наманганнинг «Навбаҳор» футболчилари бу йилги мавсумда ўзларини кўрсатиб, чемпионликка даъвогар эканликларини астойдил намойиш қилмоқдалар. Ҳозир бу жамоа 35 очко билан ягона пешқадам бўлиб турибди. Навбаҳорчилар сафарда «Сўғдиёна» футболчиларини (4:1) мағлубиятга учратишди.

Лекин бошқа талабгорлар ҳам қараб туришгани йўқ. Жумладан, «Нефтчи» футболчилари яна ўзларини ўнглаб олишга ҳаракат қилишянти. Фарғоналик спортчилар «Косонсой» майдонида ўйнашга қарамай, ғалаба (1:0) қозониб, 29 очко билан иккинчи ўриндаги мавқеларини яхшилаб олишди. «Нурафшон» ҳисобида 26 та очко бор. МҲСК жамоаси 25 очко билан тўртинчи ўринда бормоқда. Армянчилар бу сафар тур ўйинларида иштирок этишмади. Улар Малайзия терма жамоаси билан ўртоқлик учрашувида (1:1) қатнашдилар.

Осиё бозори

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ФИРМА РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ВА УНИНГ «ОСИЁ БОЗОРИ»
иқтисодий-ахборот, реклама илова газетаси
доимо сизнинг хизматингизда!

«Ўзбекистон овози» газетасининг иқтисодий-ахборот, реклама иловаси — «ОСИЁ БОЗОРИ» рўзномасининг ҳам бугунга келиб муштарийлари сони ортиб бормоқда. Хорижий фирмалар ҳамда тадбиркорларнинг рўзнома саҳифаларида чоп этилаётган турли эълонлар ва рекламаларга бўлган қизиқиши эса кучайяпти. Шу муносабат билан газета таҳририяти реклама ва эълонларни инглиз тилида ҳам чоп этишни йўлга қўйди.

Марҳамат, сиз бу масалада бизга мурожаат қилишингиз мумкин.

Бу борада Сизга инглиз тилидаги «Ўзбекистон овози — таймс» иловаси ҳам хизматингизга тайёр.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 3-қават, 344-343 -347 хоналар.
Телефонлар: 33-38-55, 33-54-55.
Факс: 33-79-14.

ТАШКИЛОТ

Қозоғистонда ишлаб чиқарилган А-76, А-80 автомобиль бензинлари ва дизель ёнилғиларини нақд пулсиз ҳисоб-китоб усулида
СОТАДИ
ҳамда узоқ муддат сақлаб беришни
ТАКЛИФ ЭТАДИ.
Нархлар арзон, шартнома асосида.
Улгуржи харидорлар учун нарх тушириб берилади.
Ёнилғини ташиш учун автомобиль хизмати кўрсатади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Боткин кўчаси, 5-уй. Телефонлар: 67-44-60, 68-12-06.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИККИЛАМЧИ ҚОРАМЕТАЛЛАР ИЖАРА БИРЛАШМАСИ

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ишлаш учун Ўзбекистонда доимий яшайдиган фуқароларни газ билан қирқувчи мутахассислиги бўйича
ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ
Меҳнат ҳақи — ишбай (4000—5000).
Ишловчилар уч марта бепул овқат билан таъминланадилар.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Сирғали туманидаги саноат даҳаси.
Телефонлар: 58-57-09, 58-81-33,
Факс: 58-81-33.

ЗИЁ ТУРСУНОВИЧ ТУРСУНОВ

Узбекистон физиологияси фани оғир жудоликка учради. Бевақт ўлим таниқли физиолог олим, биология фанлари доктори, профессор Зиё Турсунович Турсуновни орамизидан олиб кетди.

З. Турсунов 1923 йилнинг 3 мартида Тошкент шаҳрида деҳқон оиласида дунёга келди. 1945 йилда Тошкент Давлат Тиббиёт институтининг даволаш факультетини тамомлади. Меҳнат фаолиятини шу институтнинг нормал физиология кафедрасида бошлади, аспирантликдан доцентликкача бўлган йўлни босиб ўтди. 1956 йилдан бошлаб республика Фанлар академияси тизимида ишлай бошлади. 1950 йилда фан номзоди, 1961 йилда докторлик илмий даражасини еқлади. 1965 йилда эса унга профессор илмий унвони берилди.

Олимнинг илмий тадқиқотлар доираси ниҳоятда кенг бўлиб, у юқори ҳарорат шароитларида сув-туз алмашинувини ва марказий нерв тизимининг ҳолати ҳамда адаптация муаммоларини ўрганишни ўз ичига олади. Истеъдодли олим 1975 йилда ЎзФА Физиология институтини ташкил этди ва унга раҳбарлик қилди. Янги илмий даргоҳ лабораторияларида инсон ва ҳайвонлар физиологиясига тааллуқли йирик тадқиқотлар олиб борилди ҳамда уларнинг самараси салмоқли бўлди. З. Турсунов халқаро илмий конгресслар ва симпозиумларда фаол қатнашиб, республика физиология фани шуҳратини оламга ёйишда алоҳида жонбозлик кўрсатди.

Зиё Турсунович 20 дан ортиқ фан номзодлари ва докторларини етиштирди, 300 га яқин илмий ишлар, 10 та монография ва кўплаб дарсликлар чоп эттирди. У кўзга кўринган олимгина бўлиб қолмай, балки фаннинг фаол ташкилотчиси ҳам эди. З. Т. Турсунов кўп йиллар мобайнида «Инсон ва ҳайвонлар физиологияси» ва «Жисмоний тарбия ва спортнинг тиббий-биологик масалалари» долзарб муаммолар кенгашларининг раиси, «Узбекистон физиология жамияти» раиси, «И. М. Сеченев номидаги Физиология журнали» ва «Узбекистон биология журнали» таҳририят кенгашларининг доимий аъзоси сифатида кенг жамоатчиликка танилди.

Ҳукуматимиз унинг Ватан фани тараққиёти йўлидаги катта меҳнати ва хизматларини юксак баҳолади. У «Ҳурмат белгиси» ордени, «Шуҳрат» медали ва қатор Фахрий ёрлиқларга сазовор бўлди.

Йирик ташкилотчи олим, истеъдодли педагог, ҳассос тадқиқотчи Зиё Турсуновнинг порлоқ хотираси қалбимизда узоқ йиллар яшайди.

БИР ГУРУҲ ЎРТОҚЛАРИ.

«ГЕАЛ»
Қурилиш-тижорат фирмасининг йўқолган думалоқ муҳри
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳридаги «ПОЛИСТРОЙ» кичик корхонаси
ТУГАТИЛАДИ.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.
Манзил: Тошкент, Ж. Остонов кўчаси 28-уй.

Тошкент шаҳридаги 32-шифохона жамоаси стоматология бўлими бошлиғи Мирпўлат Мирсоатовга жияни
Мақсуд ОРИФХОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.